

Лаборатория № 20

Мавзу: Ноанаънавий дарслар билан ишлаш.

Мақсад: 1. Ўқувчиларга ноанаънавий дарслар билан ишлашни ўргатиш.
2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жихозлар: 1. Бошланғич табиий география дарслиги
2. Атлас
3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

Asosiy adabiyotlar:

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)
2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”
3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”
- 4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”
5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”
8. P. Mussaev va boshqalar “O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”
9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. Ноанаънавий дарслар билан ишлашни изоҳланг.

2. Лаборатория дафтарга ёзинг.

Ноанаънавий дарсга: маъруза, семинар, савол-жавоблар, викториналар, лаборатория, суҳбатлар ва ҳ. к. лар қиради. Ноанаънавий шаклларда маърузалардан фойдаланиш кўпроқ ижтимоий фанларда қўлланилади. Маъруза дарслари ўқитувчидан юксак тажриба ва ташкил этишнинг мураккаблиги билан жаралиб туради. Маъруза жараёнида асосий эътибор ўқувчиларни мустақил фикрлаш қobiliятини ривожлантириш, билим, фаолият, малакаларини оширишга қаратилади.

Семинар машғулотларини ташкил этишдан асосий мақсад ўқувчиларни мустақил ишларини ривожлантириш. Айрим мавзулар юзасидан чуқур билим берувчи манбалар билан ишлай олишлари яъни зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларни эгаллашдир.

Суҳбат методида ўқитувчининг саволи ва ўқувчининг жавоби асосий ўрин тутади. Ўқитувчи суҳбат вақтида ўқувчилар фикрини ўрганиладиган географик объект ва ҳодисаларнинг асосий белгиларига йўналтиради ва уларнинг билиш фаолиятларини бошқариб боради. Ўқитувчи дарсда ўрганиладиган темани эълон қилади, баъзи зарур саволларни ўртага ташлайди, суҳбатни мантикий қисмларга бўлади, ўқувчилар жавобини тинглайди, уларнинг жавобларидаги хатони тuzатади ва тўлдиради. Шундан сўнг ўқувчиларни яқун ясашга ундайди.

Ўқитувчи суҳбат вақтида карта ва турли кўрсатмали қуроллардан, ўлка материалларидан, шунингдек, ўқувчиларнинг илгари олган билимларидан кенг фойдаланади. Бериладиган саволлар ўқувчиларга географик қонуниятларни тушуниб олишга ёрдам беради.

Демак, география таълимининг мазкур методида ўқувчилар дастурда берилган материалларни бошқа методларга нисбатан анча яхшироқ ўзлаштирадилар. Суҳбат методи билан иш олиб борилганда янги материалларни ўрганиш билан ўқувчилар билимини аниқлаш бирга олиб борилади ва ўқувчилар билан яқкамаякка ишлаш учун қулай шароит вужудга келади. Ўқитувчи «орқада қолувчи» ўқувчиларни ҳам дарсга фаол иштирок эттира олади.

Суҳбат ўқувчиларни материални мустақил ўрганишга жалб эта олганлигидан, ўқитувчи суҳбатдан билимни ишончга айлантирувчи восита сифатида ҳам фойдаланади. Суҳбат ўқувчиларнинг ўз фикрларини исботловчи тарзда ифода қилишга ўргатибгина

қолмасдан, уларни турли билим манбалари (карта, глобус, коллекция, гербарий ва ҳ. к.) билан мустақил ишлай олишга ўргатади.

Шуларга кўра «сухбат» ни география таълимидаги энг етакчи методлардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг ҳам айтиш керакки, сухбат методи ҳамма дарсларда қўлланавермайди. Масалан, қуёш системасидаги сайёралар, Ернинг Қуёш атропоидидаги ҳаракати, Абу Райхон Берунийнинг география фанига қўшган ҳиссаси каби билимларни ўқувчиларга сухбат методи орқали ўргатиш қийин. Ўқувчилар зарур билим запасига эга бўлган тақдирдагина сухбат методидан фойдаланиш лозим бўлади. Сухбат методи бир неча усуллардан иборат.

Саволжавоб (катехизик) сухбати. Бу усулда ўқувчилар ўқитувчи саволига қисқа жавоб берадилар, саволжавоб орқали факт ва географик объектларнинг жойланиши ҳақидаги билимлар аниқланади. Масалан, чўл зонаси Ер шарининг қаерларида тарқалган? Африка билан Евросиё чегараси қаерлардан ўтади. Тоғ деб нимага айтамыз? Гейзер нима?

Саволжавоб усулида ўқувчиларнинг илгари олган билимлари такрорланади.

Кенг кўламдаги (эвристик) сухбат. Бу усулда ўқитувчи ўқувчилар олдида маълум бир проблематик масала қўяди. Кейин ўқитувчи ёрдамчи саволлар ва айрим маълумотларни эслатиш йўли билан ўқувчиларни илгари олган билимларига таяниб масалани мустақил ҳал этишга ундайди. Саволлар берилганда шунинг эътиборига олиш керакки, берилган жавоб асосий фикрни исботлаши ва шу фикрни давом эттириши лозим. Масалан, материклар географияси курсида Евросиё иқлимини ўргатишда иқлим картасида қуйидаги саволларга жавоб беришни талаб қилиш мумкин: Осиёнинг марказий ва шарқий қисмида ёзда ҳаво температураси қандай? Шу жойда қишки температуралар қандай? Марказий ва Шарқий Осиё ҳаво температурасининг йиллик амплитудаси қандай? Марказий Осиё билан Шарқий Осиё температураси амплитудасининг бунчалик фарқ қилишига сабаб нима? Марказий Осиё билан Шарқий Осиёда ёғин миқдори қандай? Ёғинларнинг бунчалик фарқ қилишига сабаб нима? Совуқ кунлар Марказий ва Шарқий Осиёда қанча вақт давом этади?

Иқлим диаграммасига қараб Шарқий Осиёда йил давомида ёғиннинг тақсимланишини аниқланишича нима учун кўп ёғади? Қадвалдан фойдаланиб Шарқий Осиё иқлим хусусиятини тушунтириш. Ўқувчилар Марказий Осиёнинг иқлим хусусиятини аниқлагач, ўқитувчи шу жойда қандай иқлим типлари борлигини айтиб беради. Шарқий Осиёнинг иқлим типи ҳам шу тариқа белгиланади,

Кенг кўламдаги бу хил сухбат асосан янги билимларни ўрганишда ва яқиний такрорлашда фойдаланилади. Табиий география бошланғич курсининг кўп темаларида, материклар географияси ва табиий географияси курсларида, Ўзбекистон табиий географик районларининг географик ўрни, иқлими, ички сувларини ўрганишда эвристик сухбат қўл келади.

Baholash mezonlari.

- 1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.
- 2.Laboratoriyani mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.
- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha